

Тазкия дарслари (76-дарс). Исломда инсон мол билан ўлчанмайди



13:45 / 14.03.2020 3592

Учинчи одоб:

Қилган садақасини миннат қилиш ва озор бериш ила ҳабата қилмаслик.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

رِثَاءَ مَا لَهُ يُنْفِقُ كَالَّذِي وَالْأَذَى بِالْمَنِّ صَدَقَتِكُمْ بُبْطَلُوا أَلَاءَ آمَنُوا الَّذِينَ يَتَأَيُّهَا

الْآخِرِ وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ يُؤْمِنُ وَلَا النَّاسِ

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб ботил қилманг» (264-оят).

Демак, ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун қилинган садақага ўхшар экан.

Одатда камбағалга эҳсон қилаётган, унга яхшилик қилаётган киши ўзича миннат қилишга бориб қолиши мумкин.

Миннат ва озорнинг ҳақиқати ҳақида салафи солиҳларимиз бир қанча фикр ва таърифларни айтганлар.

Баъзилар: «Миннат – қилинган садақа ҳақида гапириш, озор – уни бўрттириб кўрсатиш», деганлар.

Бошқалар: «Миннат – садақани эслаш ва у ҳақда гапириш ёки унинг эвазига хизмат қилдириш. Озор эса олувчини камбағалликда айблаш», деганлар.

Учинчилар: «Миннат – берган нарсаси учун олувчига такаббурлик қилиш, озор эса шу сабабли уни жеркиш ва унга қўполлик қилиш», деганлар.

Оиша ва Умму Салама розияллоҳу анҳумо бирор фақирга эҳсон юборадиган бўлсалар, воситачига: «Унинг қилган дуосини ёдлаб олгин», дер эдилар. Сўнгра олувчига худди ўзининг дуоси каби дуо қилар ва «Бу дуоси учун энди бизга садақамиз холис қолди», дер эдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу, у кишининг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ва бошқа азизлар ҳам шу каби тасарруф қилар ва бу билан улар ўз қалбларини даволар эдилар.

Агар закот берувчи бу иш мол неъматининг шукронаси эканини яхши тушуниб етса, у билан закот олувчининг орасида ҳеч қандай муомала қолмайди. Чунки Ислом таълимоти бўйича кишининг устунлиги мол билан эмас ва унинг пастлиги молсизлик билан эмас.

Тўртинчи одоб:

Берилган нарсани арзимас санаш.

Чунки берилган нарсани кўп ҳисоблаш беҳуда ғурурга олиб боради. Бу эса ўз навбатида, ёмон оқибатларга сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

أَعْجَبْتُمْ إِذْ حُنَيْنٍ وَيَوْمَ كَثِيرَةٍ مَوَاطِنَ فِي اللَّهِ نَصَرَكُمْ لَقَدْ

بِمَا الْأَرْضُ عَلَيْكُمْ وَضَاقَتْ شَيْئًا عَنْكُمْ تَغْنٍ فَلَمْ كَثُرْتُمْ

مُدْبِرِينَ وَلَيْتُمْ ثُمَّ رَجَبَتْ

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Хунайн кунида ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз ғурурлантирган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва ер кенг бўла туриб, сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз» (25-оят).

Салафи солиҳлар демишлар: «Яхшилик уч нарса билан тугал бўлади: уни арзимас санаш, тез қилиш ва махфий сақлаш билан.

Тоат-ибодатни эгаси қанчалик арзимас ҳисобласа, ибодати Аллоҳ таолонинг ҳузурида шунчалик буюк бўлади. Маъсиятни эгаси қанчалик буюк санаса, гуноҳи Аллоҳ таолонинг ҳузурида шунчалик кичик бўлади».

«Руҳий тарбия» китобидан